

ҲАМИДХОН ИСЛОМИЙ

**СУЛТОН УЛ-
МУЪИЗЗУДДИН АБУ
МАНСУР МОТУРИДИЙ
АС-САМАРҚАНДИЙ**

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент – 2000

Такризчи: филология фанлари доктори,
профессор Саидбек ҲАСАНОВ

СЎЗ БОШИ

Инсоният ўз ибтидосидан бошлаб моддий ва маънавий дунёни идрок этиш, Яратувчи билан яралмишнинг узвий боғлиқлик сиррини билиш, Оллоҳга сиғиниш, унга интилиш масаласига қизиқиб келган эди. Ранг-баранг мавжудотларга кўра бу оламдаги пайдо бўлиш, ўзгариш ва йўқолиш ҳодисалари замирида улуғ бир қудрат мавжудлигини сезган. Аммо бу улуғ қудратни Яратувчи сифатида тасаввур қилса ҳам, уни идрок этиш муаммолигича қолаверди. Минглаб йиллар ўтди, ҳар хил динлар пайдо бўлди, лекин Оллоҳнинг Сиррул-асрори сирлигича қолди. Узоқ йиллик бой тарихимизда аждодларимиз ҳам Зардушт, Буддо ва бошқа дин-этиқодларга учраб, кўп жафо ва машаққатли жараёнларни бошидан ўтказди. Кўп пайғамбарлар дунёга келди, ҳар хил динлар таъсирига учрадик, барча динлар ўз иши, вазифасини бажарди ва кетди...

Ислом дини майдонга келиб, минтақамизда илгаридан мавжуд бўлиб келган динларга нисбатан мукаммал таълимоти, қонун-қоидалари билан улуғ бир этиқод сифатида қарор топди. Оллоҳ бир деб тасаввур қилса ҳам, табиийки, бу тасаввур қандай қобикдаги русум, тушунчаларга эга бўлмасин, шундайлигича қолиб, асрлар давомида тафаккур эгалари идрокини банд этган энг муҳим муаммога айланди. Ушбу сирлар оламини билишга интилиш ҳам узлуксиз давом этаверди.

Ислом ўз мавқеига эга бўлгандан сўнгра Қуръони Каримни кенг тушуниш учун шарҳлар, тафсирлар ёзила бошлади. Шариат илми ва Ҳақиқат илми расмийлашди. Яқин Шарқ, Марказий Осиё ва Туркистонда мусулмон олиму фузалолар Ислом илми йўналишига буюк ҳиссалар қўшдилар. Оллоҳнинг яқкаю ягоналиги, Оллоҳнинг бир эканлиги тўғрисидаги таълимоти сирли бўлиб, машғул бўлишди.

И 0403000000-86 режага қўшимча, 2000
М352 (04) – 2000

© Ҳамидхон Исломий,
Ғафур Ғулум номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти,
2000 й.

ISBN № 5-035-01935-8

Бироқ тавҳид ҳаддан ташқари нозик илм бўлгани сабабли, яширин илм сифатида қарор топди, уни ошкор қилиш тақиқланган эди. Чунки тавҳид илмининг мураккаблиги сабабли Сиррул-асрорнинг ошқора қилиниши у олиб келиши мумкин бўлган ихтилофлар, инкорий қарашлар олдини олиш чораси эди.

Ислом илмининг тараққий этиши илм соҳаларининг тез юксалиши, олим у фузало ва даҳоларнинг кўпайишини, Оллоҳ сиррига бўлган интилишни янада кучайтирди. Натижа шу бўлдики, Куръон асосида Калом илми (Илоҳий илм), Шариат асосида фикҳ илми (мусулмон ҳуқуқшунослиги) таркиб топди. Бу соҳада тасаввуф аҳли (ўз руҳини Оллоҳ билан узвий боғловчилар) ҳам майдонга, ошқораликка чиқди. Улар ўз таълимотлари билан бевосита Оллоҳ қудратининг сирри томон интидилар.

Ислом уламолари ва тасаввуф аҳли ўз фаолиятларини ушбу Сиррул-асрор билан боғлиқ ўзига хос илмий таълимотда олиб борганлар. Фаннинг бу жабҳасида, Сирлар сиррида иш кўрган замон уламолари ва фузалолари орасида буюк қобилият эгаси Абу Мансур Мотуридий ҳам илмий фаолият олиб борар экан, мазкур ўта нозик ва улугвор соҳада ул зоти муборак ёзган машҳур асарлар жумласида “Тавҳид” асари ҳам бор эди. Ушбу асар ўша замон ва давр эҳтиёжи сифатида дунёга келган бўлса ажаб эрмас. Сабаб улдурки, Мотуридий яшаган давр Ислом оламининг “Олтин даври” ҳисобланган. Ана шу даврда Ислом илмий маркази Бағдоддан Ўрта Осиёга кўчганда Самарқанд ўша “Олтин давр” марказига айланган эди. Мотуридий тақдир иродасига мувофиқ Ислом илмидаги буюк кашфиётлари ва бу илм соҳасидаги ғолибона илмий муваффақиятлари эвазига “Абу Мансур”, яъни “Ғолиб ота” мартабасига мушарраф бўлдилар. Ул зоти муборак “Абу Мансур” номи билан шуҳрати дунёга ёйилди, азалий илм макони бўлган она Ватанимиз шуҳратини ҳам оламга танитди.

Мамлакатимизда Истиқлолнинг ҳаётбахш нури-зиёси баракотидан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий, маърифат ва маънавият соҳаларида халқимиз янгича ўзгариш, янгиланиш, ривожланишга мушарраф бўлмоқда. Ватанимиз, халқимиз тарихига оид қадим ва кўҳна меросимизга қайтадан қўл узатиб қалам

тебратмоқдамиз. Аждодларимиз тарихига адолат билан ёндошиб, улар қолдирган олтин мерослардан ибрат ва баҳра олмоқдамиз. Президентимиз И.А.Каримов Фармонида кўра буюк ватандошимиз Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Баҳоли қудрат буюк бобомиз Абу Мансур Мотуридий ҳазратлари тантанасига бағишлаб, манбаларга таянган ҳолда, Сиз китобхонларга бир рисола тақдим этилди.

Ушбу камтар ишимиздан оз бўлса ҳам тўғри тушунчага келсангиз, бу каминани ёд этишни унутмагайсиз.

АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ АС-САМАРҚАНДИЙ

Буюк даҳо, улуғ мутафаккир Алишер Навоий “Султон ул-муъиззуддин”, яъни диннинг иззатли султони деб атаган ул зоти муборакнинг асли ўз исми ҳам, отасининг исми ҳам Муҳаммад бўлган. Бобосининг исми Маҳмуддир. “Ислом қомуси”да унинг 257 ҳижрий (милодий 870) йили таваллуд топганлиги кўрсатилади. Бул зоти азиз Самарқанднинг Мотурид мавзеида туғилган. 333 ҳижрий (мелодий 944) йилда Самарқандда вафот этган. Аммо унинг туғилган ва вафот этган йиллари манбаларда турлича кўрсатилган. Хусусан, ҳазрат Алишер Навоий ул зотнинг вафоти йилини 335 ҳижрий деб кўрсатади. Қабри Самарқанднинг Чокардиза гўристонидадир. Қабр жойи зиёратгоҳга айланган.

Абу Мансур исм олдида қўлланадиган кунйадир. Кунйа эса, буюк зотлар исмига қўшилиб айтиладиган мартабасига айланган. Абу – арабча ота, Мансур – ғолиб, демакдир. Бундан бошқа Имом ул-ҳидо (Ҳақ йўлига бошловчи), Имом ул-мутакаллимин (Калом олимларнинг бошловчиси) каби улуғ сифатларга эга бўлганлар. Мотурид буюк уламонинг туғилган жойи бўлиб, ўша жойни ўзига нисба қилиб олган. Бу жой дунёга машҳур Самарқандда бўлганлиги учун ўз нисбасига ас-Самарқандий деб янада аниқлик берган. Нақл қилишларича, Қутайба ибн Муслим Самарқандни фатҳ этгач, Амири Муҳожирни Самарқандга ҳоким этиб тайинлайди. Ҳоким Кўҳак тоғининг жанубий этагидан Обираҳмат ариғини қаздираётган чоғида Хизр алайҳиссалом учрашиб: “Моъуриду?” (“Нима истайсиз?”) – деб сўраганда: “Моъуриду!” (“Сув истаймиз”), – деб жавоб берган экан. Ана шундан бери қазиб келтирилган Обираҳмат ариғидан суғорилган ерлар “Мотурид” номи билан юритиларкан. Демак, ўша мавзе Абу Мансур ҳазратлари туғилишидан анча олдин Мотурид номини олган.

АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ НАВОИЙ ВАСФИДА

Алишер Навоий 901 (1495–96) йили ёзган “Насойим ул-муҳаббат мин шамоийм ул-футувват” (Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шаббодалари) номли тазкираси муқаддимасида қуйидагиларни ёзади: “Уламои умматий к-анбиёи бани Исроила Ва айзан Ал-уламоу варасат ул-анбиёи аҳодиси андин хабар берур”¹. (Умматим уламози бани Исроил пайғамбарларидек ва яна уламолар пайғамбарлар ворисидир.) Буюк мутафаккир Алишер Навоий ўз даҳоси билан битган ана шу тазкирасида Турк машойихлари қисмининг 649 авлиё тартибида, Абу Мансур Мотуридий ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Шайх Абу Мансур Мотуридий қуддиси сирруху. Ўз замонининг аълами уламози эрмиш. Ул вақт уламози аларни Султонул муъиззуддин дер эрмишлар. Зоҳир ва ботин улуми (илмлари) била ораста (безатилган) эрмишлар. Алардин ғариб ҳолот манқулдур...”². А.Навоий Мотуридий тўғрисидаги васфни даҳо маҳоратда ёзган эдилар.

Табарруқ илмий асар ҳисобланувчи “Насойим ул-муҳаббат” Ўрта Шарқ, Ҳиндистон ҳамда Марказий Осиё ҳудудида яшаб ижод этган ва фаолият кўрсатган 770 авлиёлар сирасининг тазкирасидир. Демакки, Абу Мансур Мотуридий авлиё мартабасига етган улуғ зотлардан бўлган. Алишер Навоий ул зотга нисбат берган “Шайх” калимаси ҳам Ислом илмида ва тасаввуф таълимотида етакчи, йўлбошчи маъносини билдиради.

“Ўз замонининг аълами уламози” иборасига келсак, бу унинг ўша замон олимларининг пешқадами, энг

¹ Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институти. Санкт-Петербург бўлими қўлёзмалар хазинасида сақланаётган 97 Д рақамли қўлёзмадан фойдаландик. Матн давомида иқтибослар шу қўлёзма асосида қисқача “Насойим” номи билан кўрсатилади.

² “Насойим”. 98^б арақ.

билимдонларнинг билимдони эканлигини англатади. Хўш, бу қайси замон эди?

Бу замон Ислом оламининг “Олтин даври” замони эди. Илм-фан ғоят юксалиб, тараққиётга йўл очган, дунёвий илмлар жаҳонни дол қолдирган замон эди. Осмон илми, юлдузлар илми, Қуръон асосида Калом илми, Шариат асосида фикҳ илми фан даражасига кўтарилган замон эди. Тасаввуф таълимоти ҳам ўз мақомлари билан шаклланиб мустақил илгарилаган, соф муқаддас эътиқод бўлган Исломнинг фан даражасига кўтарилган замони эди. Шу сабабли Ислом учун масжиди жамоа, тасаввуф учун хонақоҳ, илм-фан учун мадраса қурилган. Бу замоннинг буюк вакиллари Абу Бакр Термизий (IX аср), Зуннун Мисрий (вафоти 860 ҳ.), Боязид Бистомий (вафоти 874ҳ.)лар бўлса, Жунайд Бағдодий, Мансур Ҳаллож, Шайх Абу Бакр Шиблий, Шайх Абдуллоҳ Ҳафиф, Абул Ҳасан ал-Ашъарий, Шайх Абул Қосим ал-Ҳаким Самарқандий уларнинг замондошлари эдилар. Бу чоғда замонасининг буюк алломалари бир-бирларининг илмий, ижодий фаолиятларидан албатта бохабар бўлиб турган замон эди. Демакки, Мотуридий буюк даҳолар замонаси билимдонларининг билимдони – “аълами уламоси” бўлган эканлар. Шу жиҳатдан ўша замон олимлари динда иззат қиладиган султони, яъни “Султонул муъиззуддин” зот ҳам Мотуридийнинг ўзи. Алишер Навоий бу масалада шубҳа бўлмаслигини назарга олиб, Мотуридийнинг тасаввуф дунёсини ҳам кўрсатиб беради. Жумладан, унинг “зоҳир ва ботин илмларида ораста” эканлигини таъкидлайди. Бу билан Мотуридийнинг дунёвий илмларда ҳам, Оллоҳ томонидан унинг қалбига, дилига руҳият орқали иноят этилган ботиний илмларда ҳам мақомига етган, зийнатларга эга бўлган, яъни қойим мақом авлиё эканлигини кўрсатиб берди. Алишер Навоий насри маҳоратида ёзиб қолдирган қўлёзмадаги қисқагина матндан олган тушунчамиз ана шундай оламшумул маънога олиб келади.

Ҳазрат Навоийнинг Мотуридий тўғрисидаги “Алардин ғариб ҳолот манқулдур”, яъни улардин қизиқ аҳволлар нақл этилган, деган иборасига келсак, унинг тасдиғи сифатида Мотуридий тўғрисида бир лавҳа келтирилади. Унда ҳикоя қилинишича, бир куни Шайх Мотуридий ўз

жойида тафсир билан машғул бўлиб ўтирган чоғда икки маст киши келиб, уларнинг бири Шайхнинг бу ишига беадаблик ҳаракати ва сўзлари билан “мушавваш”, яъни ташвиш солади ва Шайхнинг дилини хира қилади. Шайх ҳазратлари ул беадаб мастни таёқ билан уриб, оёғидан судраб чуқурга ташларкан, ўзи ҳузур билан қиладиган ишига машғул бўлади. Шу он ҳалиги мастнинг ҳамроҳи Шайх олдига келиб: “Ул кирган киши қани?” – деб сўрайди. Шайх: “Кишини билмайману, аммо бир ит келди, уруб ўлдурдум, чуқурда ётур”, – деб жавоб қилиб, чуқурни кўрсатади. Ўлган кишининг ҳамроҳи мастлик кайфида қараса, чиндан ҳам чуқурда ўлган ит ётарди. Бу ҳақиқатан ғаройиб аҳвол эди. Шунда унинг мастлиги тарқаб, телбалиқдан соғайиб, Шайхга тавба айтиб, тўғри йўлга ўтган экан.

Шундай қилиб, Алишер Навоий баён қилган ушбу лавҳадаги “ҳузур била қиладурғон ишларига машғул бўлдилар” иборасида буюк Шайхнинг шундай ғаройиб вазиятда ҳам кўнглини тийган, ўз-ўзига хотиржамлик бағишлаган ҳолатини кўрамыз. Иккинчидан, Шайх Абу Мансур Мотуридийнинг муборак оғзидан чиққан “ит” иборасига монанд равишда маст телбанинг жасади унинг шеригига ҳақиқатан ит шаклида кўриниши ҳам Шайхнинг “каромати”дан далолат беради. Шунинг учун Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”нинг асосий сарлавҳасини “Авлиёуллоҳга воқеъ бўлгон хавориқ одот ва каромот баёни”, яъни авлиёлар ҳаётида бўладиган ғайритабиий одатлар ва каромотлар баёни, деб атаган.

Ҳазрат Навоий ўзи ҳикоя қилган бу ҳаёти -ҳол ниҳоясида: “Шайхнинг муборак қабрлари Самарқанднинг Чокардиза гўристонидадур. Замон подшоҳи ул мутабаррук мазори бошида мутакаллиф (безатилган) масжид йасаптур”¹, деб ёзади.

Ўзи ғоят зако, ўткир зеҳнли даҳо бўлган улуғ мутафаккир Алишер Навоий Мотуридийга Тангри иноят этган ботиний илмларни теран ва равшан фаҳмлаган ва таъкидлаб ўтган.

Шунинг учун ҳам унинг буюк ватандошимиз Шайх Абу Мансур Мотуридий ҳақида битган васфи ва таърифи

¹ “Насойим”, 99^а варақ.

биз учун беқиёс катта маънога эга. “Насойим ул-муҳаббат” да баён этилган бу бебаҳо сифатлар буюк Шайх Абу Мансур Мотуридий оламшумул даҳо, улуг аллома бўлганлигидан далолатдир.

Авлиё мартабасига эришган буюк зот бўлмиш Абу Мансур Мотуридий тасаввуфда аълам йўлбошчи эди ва Исломда ҳам аълам бўлди. Агар Мотуридий тасаввуфда авлиё, аълам бўлмаганида Исломда ҳам аълам бўлолмас эди.

Абу Мансур Мотуридий илмий меросига оид асарлар, маълумотларга кўра, қуйидагича кўрсатилади:

“Унинг энг муҳим асарлари сифатида қуйидагиларни қайд этиб ўтиш мумкин”, деб ёзади А.Зоҳидий:

1. “Китаб таъвилат-ул-Қуръон” ёки “Таъвилати Аҳли сунна” – Қуръон ва Суннанинг расмий таъвиллари, яъни расмий исломий талқини, шарҳлари битилган китоб.

2. “Китаб мааҳаз аш-Шариъа” – Шариат асослари ва софлиги ҳақидаги китоб.

3. “Китаб ул-Жадал” – диний-ақоидий баҳс-мунозараларда ғолиб келиш ҳақидаги китоб.

4. “Китаб ул-Усул” (“Усул ад-дина”) – диний таълимот услубиётига оид асар.

5. “Китаб ул-мақолол фи-усул ад-дин” – диний илмлар услубиётига бағишланган мунозаравий мақолалардан тузилган китоб.

6. “Рисолат ут-тавҳид” – Оллоҳнинг яккаю ягоналиги, бирлиги, ваҳдоният дини, яъни илм-ул ақоиднинг назарий асослари ҳақидаги китоб.

7. “Китаб баян ваҳм ул-мўътазила” – мўътазила бидъат-ғавғолари ва ундан ҳайиқмаслик ҳақидаги китоб.

8. “Китаб радд авайил-ул-адилла ли ал-Каъбий” – мўътазилада каъбийлар мактаби асосчиси Каъбий залолатларининг бошланишини рад қилишга бағишланган китоб.

9. “Китаб радд таҳзиб ал-Жадалли-Каъбий” – Каъбий илгари сурган Каломдаги баҳс усули (Жадал)ни рад этиш ҳақидаги китоб.

10. “Китаб радд ваъид-ул-фуссақ ли-л-Каъбий” – Каъбийнинг фисқ-фасод ваъдаларини рад этиш хусусидаги китоб.

11. “Радд ал-Усул ал-Хамса ли Аби-Муҳаммад ал

Боҳилий” – Аби Муҳаммад ал-Боҳилийга мансуб “Беш усул”, яъни Каломнинг баҳс мужодала умдаларининг янги 5 талқин-усулини рад этиш ҳақидаги китоб.

12. “Радд Китаб-ул-Имама ли баъад ар-Равафид” – Рофизийлар ёмонлиги ҳақидаги Имома Китоби раддияси хусусидаги китоб.

13. “Китаб ар-Радд ала ал-Қаромита” – Қарматийларга раддияларга бағишланган китоб.

Бундан ташқари, Мотуридий қаламига мансуб деб ҳисобланадиган, аммо ҳали тўла аниқланмаган машҳур асарлар ҳам манбаларда санаб ўтилади. Масалан, Имомул Аъзам-Абу Ҳанифанинг “Фикҳи акбари аввал ва-с-сани” асарига шарҳ китоби, “Ақидаи Абу Мансур”, Имом Абу-л-Ҳасан Исмоил ал-Ашъарийнинг “Китаб-ул-ибана ан усул-ал-диёна” китоби шарҳи ва бошқалар¹. Аммо ушбу айтилган асарлар фанда аниқланган эмас.

Кўриниб турибдики, Мотуридийнинг илмий фаолияти Исломни илмий жиҳатдан химоя қилиш эди. Шунинг учун Исломнинг туб моҳиятидан оғган, узоқлашган “Муътазила”чиларга, “Бутун дунё Имоми” номини олган Каъбий қарашларига, шунингдек, Боҳилий, Рофизий ва Қарматийларнинг қарашларини илмий асосда фош этиб, уларнинг қусури, нуқсонлари, хато фикри илмни йўққа чиқаради. Мана булар Абу Мансур Мотуридийнинг амалга оширган оламшумул тадқиқотлари эди.

Баъзи ахборотларда юқоридаги асарлардан бештаси: “Китаб ал-Жадал”, “Таъвилоти аҳл ас-сунна”, “Китаб ул-мақомат”, “Китаб ат-тавҳид”, “Маъҳаз аш-шариъа” Мотуридий қаламига мансуб деб қаралади².

Оврупалик Ульрих Рудольф ўз монографиясида Мотуридийнинг юқорида кўрсатилган асарларини умуман тилга олмайди³. Бундан ташқари У.Рудольф Мотуридийнинг “Таъвилоти аҳл ас-сунна” ва “Китаб ат-тавҳид” асарларига теология нуқтаи назаридан ёндошса, Г.Э.Фон Грюнебаум⁴ тавҳидни мистицизм, деб атайди.

¹ Абдулқодир Зоҳидий. “Фан ва турмуш”. 1997 й., № 6. 12.

² “Шарқшунослик” тўплами. 1999, 9-сон, 66-бет.

³ У. Рудольф. “Ал -Мотуриди и суннитская теология в Самарканде”. Лейден-Нью-Йорк-Кёльн. 1977.

⁴ Классический Ислам. Москва. “Наука”. 1988, стр. 122.

Бу фикрларнинг ҳар иккаласига ҳам мутлақо қўшилиш мумкин эмас. Зеро, теология, умуман, илоҳиётшунослик бўлиб, “худо” саналмиш ҳар қандай жонли ва жонсиз мавжудот, табиат ҳодисалари унинг тадқиқ ва ўрганиш манбаи ҳисобланади. Мистицизм, мистика ҳам инсон руҳининг айни шу турли динлардаги “худо”лар ҳамда бошқа ғайритабиий кучлар билан бирлаша олишидан баҳс этувчи таълимотдурки, уни тавҳид у ёқда турсин, ҳатто Шарққа хос бўлган сўфийлик, тасаввуф илми билан ҳам умумлаштириш ноўриндир.

Энди Тавҳид калимасига Ислом қомусида бундай ёзади: “Ат-ТАУХИД (“ат-тавҳид от глагола ваҳхада — ‘делать, считать что-либо единым, единственным’) — монизм, монотеизм. В исламе ат-Т. означал прежде всего отрицание политеизма (ширк), выражающееся в формуле “нет никакого божества, кроме Аллаха”. На уровне спекулятивной теологии проблема ат-Т. решалась в плане объяснения соотношения сущности (аз-зат) бога и его атрибутов (ас-сифат), творца и его творений”¹.

Таржимаси: “Тавҳид (ваҳҳада феълидан — бирор нарсани ягона деб билмоқ) — якка илоҳлик деган маънони билдиради. Исломда Тавҳид кўп худоликни инкор қилишдан иборат. Оллоҳдин бошқа илоҳ йўқдир, демакдир. Агар теологияга мажбурий қиёсласангиз, у ҳолда Оллоҳнинг моҳияти (зотиға) ва унинг сифатларига Яратувчи (Холик) ва унинг яралмишлари (маҳлуқлари) дан иборат”. Демак, Тавҳидни мутлақ ҳеч қачон ва ҳеч вақт, ҳеч нимага қиёслаб бўлмайди. Шунинг учун: Ла илаҳа иллаллоҳ — Исми Оллоҳ бўлган зотдин бошқа Оллоҳ йўқдир деган экан, бунга бошқа қиёс ва назария кетмайди!

Демак, бу — ҳеч мисли, қиёси бўлмаган Оллоҳ, унинг яккаю ягоналиги, бирлиги ҳақидаги бениҳоя улуг ва мураккаб фандирки, уни зўрлаб ҳам бошқа ҳеч қандай илму ижод маҳсули билан аралаштириб, уйғунлаштириб бўлмайди.

Сирасини айтганда, Овруро олимлари тасаввуф билан Исломнинг тафовутларини яхши англаб етмайдилар, бу масалаларга оид нозик илмлар фарқини

билмайдилар. Шу боисдан ҳам уларни қориштириб юборадилар. Масалан, тавҳид илми уларга бутунлай ёт, тушунарсиз нарса бўлганлигидан уни тайёр сийқа қолипларга жойлаб қўя қоладилар. Юқоридаги икки муаллифнинг нуқтаи назарлари бунга яққол далил бўла олади.

Мазкур масалаларда бизнинг қарашларимиз ва буюк бурчимиз аниқ. У ҳам бўлса тасаввуф таълимотининг Исломдан фарқлироқ қонун-қоидалари ва ўзига хос айрим нозик йўли мавжудлигини ойдинлаштиришдир. Ана шундагина муқаддас Ислом дини илми билан тасаввуф таълимотидан тўғри хулоса чиқара олиш мумкин бўлади.

Гап шундаки, Мотуридий қаламига мансуб “Тавҳид” асарида Оллоҳнинг яккаю ягоналиги, Оллоҳ бир эканлиги қатъий ва узил-кесил ҳал этилган эди. Қуръоннинг “Ихлос” сураси тавҳид калимаси деб аталди. Сўнгра шариат бир, тариқат бир, маърифат бир, ҳақиқат бир деган қонун қарор топди. Шу сабабдан, теология Исломдан олдинги тушунчаларни қамраб олган бўлса, тавҳид фақат Ислом билан боғлиқ эканлиги мунозарасиз ҳақиқатга айланди.

Мотуридий “Тавҳид” асарини Қуръони Карим асосида, унинг ҳар бир ояти, калимаси, ҳарфи сирини англаш нуқтаи назаридан ёндошган ҳолда ёздики, бу улуг ишга, сирлар сиррига бутун дунё лол қолди. Шунинг учун ҳам Мотуридий фикрига кўра, Қуръони Карим, Ҳадиси шариф туб асос бўлиб, Ислом ақидалари шу асосга қурилмоғи лозим. Ўзгача назарияларга, яъни ҳар қандай мазҳабларга, бошқача фикрларга ўрин йўқ. Бу — чинакамига оламшумул ҳақиқат эдики, у баён бўлганидан кейин мазҳабларнинг хато талқинидан фақат бузуқ ниятли кучлар фойдаланиб келдилар. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, Мотуридий таълимотига кўра, бирдан-бир тўғри йўл — аҳли сунна вал-жамоа йўли бўлиб, бошқа ҳар қанақаси гумроҳликдир. Чунки исломда ўзгартиришлар, ислохотлар қилиш ярамайди. Зеро, пок эътиқод ҳақиқий инсонийликка, тараққийпарварлик, эркинлик ва ҳурриятга, дунё ва барча оламлар сирини ўрганишга ундайди. Ҳар қандай ишда Илм йўлбошчи бўлишини тарғиб қилади. Чунки нодонлик — зулмат. Ундан фақат илм зиёси туфайлигина қутулиш мумкин. Мансур Ҳаллож

¹ Ислам. Энциклопедический словарь. Москва. “Наука”. 1991, стр. 232.

дорга осилишининг (301/ 921 йил) биринчи сабаби “Анал-Ҳақ” бўлса, иккинчи сабаби “Тавҳид”ни ошкора қилганлиги илмда аён эди. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Ҳаллож қатл этилишининг шу иккинчи сабаби ҳақида тўхталиб, унинг устози Абу Амру Маккий сўзларини келтиради: “Тавҳидда бу тоифанинг илмида сўз дақиқ эрди ва ёшурур эрди. Ул ёшурун олиб, ани ошкора қилди. Сўзнинг диққати жиҳатидин эл фаҳм қилмай анга мункир (инкор этувчи) бўлдилар ва маҳжур (маҳрум) қилдилар. Ул Ҳалложни қарғадиким, Илоҳи биравни анга гумарларким, илк аёгин кескай ва кўзин ўйгай ва дорға тортқай. Ва барча анга воқеъ бўлдилар. Устои дуоси била”¹.

Ҳар қалай, бу ерда бир номаълумлик борки, бу Мотуридий “Тавҳид” асарини қачон ёзганлиги масаласидир. Агар “Тавҳид” Ҳаллож қатлигача ёзилган бўлса, у ҳолда Ҳаллож ҳақиқатан уни ошкора қилган бўлиб чиқади. Борди-ю, “Тавҳид” қатлдан кейин ёзилган бўлса, Абу Мансур Мотуридий уни Ҳаллож қатли воқеасининг гувоҳи бўлгач яратган бўлади. Бу жумбоқни фақат “Тавҳид” асари ёзилган сананинг аниқланиши ойдинлаштиради. Бу кейинги изланишларга боғлиқ, албатта. Аммо бизнинг фикримизча, Мотуридий “Тавҳид” асари ёзилгандан сўнгра уни Ҳалложнинг ошкора қилгани билиниб туради. Яна бир сабаб, Форис бинни Исо Ҳалложнинг халифаси (ўринбосари) эрди. Навоийнинг ёзишича, ул зот Ҳаллож қатлидан кейин Бағдоддан Самарқандга келиб Мотуридий ёнида яшайди ва Самарқандда оламдан ўтади².

Масаланинг энг асосий негизи ва моҳияти Алишер Навоий ҳазратлари Мотуридий даҳосининг “зоҳир ва ботин улуми била ораста”лигини алоҳида таъкидлаб кўрсатилганлигидир. Бундан келиб чиқадики, “Султон ул-муъиззуддин” Мотуридийнинг тафаккур этиш, идрок қилиш, умумий қилиб айтганда, билиш иқтидори ўша “зоҳир ва ботин” илмларида эди. Аниги, ғайритабиий илми унинг қалбига, дилига яратган Оллоҳнинг Ўзи иноят қилганида. Шу нуқтаи

¹ “Насойим”, 24^а варақ.

² “Насойим”, 24^б варақ.

назардан бу илмлар тарихи анъанага кўра икки туркумга бўлинган:

1. Зоҳирий илмлар. Бу туркумга барча ижтимоий ва табиий фанлар киритилган. Яъни, киши ўз кўзи билан кўриб, ўз ақлида қойим этган илмлар. Китоби ҳукмда эса айнул яқин, илмул яқин ва Ҳаққул яқин деб атаганлар.

2. Ботиний илмлар. Бу туркумга Оллоҳ ўзига яқин билган киши қалбига, кўнглига ғайби иноят этган илмлар киритилган. Бу илм ўз навбатида учга бўлинади:

– илми ладунний – Оллоҳнинг пайғамбарларига, ориф-авлиёларига иноят этилган илмлар;

– илми воридот – муайян зотнинг ақли ва фикрига иноят қилинган билим, тушунчалар;

– илми воқеъ – туш асносида аён қилиб уқтирилган илмлар.

Бу сиррул-асрор илми билан тасаввуф таълимоти аҳли бевосита шуғулланган. Кимларга ғайб илми юқтирилган бўлса, кимларгадир юқтирилмаган эди. Ушбу ботин илми ўзи ўқимамай, ўрганмай, кўрмай эга бўлган, Оллоҳнинг ўзи ўша киши кўнглига берган илмлардир. Демак, бу илмлар Мотуридийга ҳам иноят этилган эди.

Энди тасаввуф масаласига келганда, бу таълимотни тушунишни кўпдан-кўп уламолар ўзларига мақсад қилиб келганлар. Бу тўғрида Алишер Навоий “Насойим”да ёзади: “Биров Абу Ҳафз қуддиса сирруҳудин сўрдиким, тасаввуф недур? Деди: Сўфий ҳаргиз сўрмагайки сўфи кимдир.

Шайхул ислом (*пир* Ҳиравий Абу Исмоил Ансорий – Ҳ.И.) дедиким, бу илм Тенгрининг асроридур”¹. Демакки, тасаввуф илми, бу Оллоҳнинг сирларига йўл тутиш илми экан. Бунда илм ибораси бор экан, бу фан демакдир. Яъни: Оллоҳ таолонинг сирларидурки, у оддий бандасига бу илми юқтирмагандир. Бу тўғридаги яна бир аниқ тушунчани энг буюк авлиёлардан бўлган Абдулқодир Жилоний (1077–1165 м.) “Сиррул-асрор”да ёзади: “Тасаввуф калимаси тўрт ҳарфдан иборат: Та, Сод, Вов, Фа.

Та: *Тавбани* ифода этади. Бу иккига бўлинади. Зоҳирий тавба, ботиний тавба.

¹ “Насойим”, 28^б варақ.

Сод: Сафо (ёруғлик, равшанлик, порлоқлик. Ҳ.И.) ҳолини ифода этади.

Вов: Валоят (валийлик-Ҳ.И.) ҳоли. Бу ҳол ички оламнинг сафиятига тузилгандир.

Фа: Фано – йўқолиш мақомидир. Илоҳий сифатлар орасига кириб кетмишдир”. (А.Жилоний. “Сиррул-Асрор”. Истанбул. 1996. 56-бет, қисқартириб олинди).

“Олимлар Оллоҳнинг хос қулларидир”, деб ёзган Жилоний, уларни “Пайғамбарлар вориси сифатида улуғлайди, шу билан авлиёлар учун зоҳирий билим эмас, балки қалбига ботиндан тушган илм лозим”, деб кўрсатиб ўтган эди.

Абдулқодир Жилоний ёзади: “Тасаввуф аҳли дерларки, Вали пайғамбардин устундир. Сабаб ул дерларки: Пайғамбарга Жаброил воситаси ила илм келди, Валийнинг илми воситасиз”¹.

Мутасаввуф агар у тасаввуф таълимотига таянса Яратувчининг қудрат сирларини билиш сари йўл тутади, Ҳаққа йўл тутади. Демак, тасаввуф илми Ҳақиқати шундай бир тушунчаки, уни энг олий ва энг нозик фан билан қиёс қилгуликдир. Зеро, Мотуридийнинг билиш назарияси ҳам зоҳирий илмларда зийнатлангани, ҳам Оллоҳ томонидан унинг қалбига иноят этилган ботиний илмларда зийнатлангани эди.

Тасаввуф – бу таълимот. Таълимот бўлганида ҳам, юқорида таъкидлаганимиздек, Оллоҳнинг сиру асрорларига йўл тутган таълимот. Бу йўл учта босқич: 1) дарвишлик; 2) сўфийлик; 3) фақирлик орқали ўтади. Шу босқичларни бирма-бир кўриб чиқадиган бўлсак, ДАРВИШЛИК – бу йўлга киришни англатса, СЎФИЙЛИК мазкур таълимотни ўрганиш; билиш ва унинг қонун-қоидаларига амал қилиш билан ўзини шу таълимот йўлига солишдан иборат. ФАҚИРЛИК – бу таълимотга эришиш, яъни мавжуд дунёнинг барча сирларини билиб, валийлик мартабасига етишиш йўлидир. ВАЛИЙЛИК мартабасига етган инсон руҳан Оллоҳ билан мулоқотга киришади: “Фақр дийдори Ҳақ таолодир”, “Ҳар ким кўрди – кўрмади”, – яъни – Оллоҳни зоҳир кўз билан эмас, кўнгил кўзи билан кўриш содир бўлади: Бу –

¹ Ўша асар. 123-бет.

Мансур Ҳаллож таълимоти эди.

Мотуридий ақидаси нимадан иборат эди, деган савол барчани қизиқтиради.

Мотуридий ақидаси шундай бир таълимотдан иборатки, инсон ақли ва фикри бовар қилмайдиган, Оллоҳ тўғрисидаги Сиррул-асрорни Қуръони Карим асосида илми тадқиқ ва тадбиқ этиб, қоидалиқ ҳолда фан даражасига кўтариб берганидадир. Бу билан Илоҳиёт илмини такомилликка олиб чиқади. Илоҳиёт тўғрисида Мотуридий яратган таълимот, мунозарасиз ҳақиқат кашфига айлангани сабабли “Мотуридия ақойиди” сифатида шуҳрат қозонди.

Мотуридий ақидаси имоннинг етти шартига (ишончига) жамланганида. Жумладан: “Аманту биллаҳи ва малаикатиҳи ва кутубиҳи ва расулиҳи вал явмил охири вал қадали хайриҳи ва шарриҳи миналлоҳи таъоло вал баъси баъдал мавт ҳаққун”. Яъни: Оллоҳнинг яккаю ягоналигига, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охиратга, тақдирга (яхши-ёмон), ўлгандан кейин тирилмоққа ишониш эди. Ушбу қоидага асосан Мотуридий илми таҳлил ва тадбиқ ила таълимот яратади. Далил билан таҳқиқ этади. (Биз қисқача тўхталамиз).

Мотуридий таълимотига кўра Оллоҳ бир, Оллоҳдин бошқа ҳеч қандай илоҳ йўқ. Оламнинг яратувчиси Оллоҳ бўлиб, Олам Оллоҳдин алоҳида яратилган борлик демакдир, талқинида исбот этади. Оллоҳнинг бирлиги тўғрисида махсус Тавҳид асарини яратади. Мотуридийнинг халқчиллиги шундан иборатки, у ҳеч қандай пайғамбарни инкор этмайди. Фақат Оллоҳни ҳар хил тушунчалардин пок этиш билан, унинг бир эканини далил билан исбот этади. Оллоҳнинг етти сифатини қойим мақомга олиб чиқади. (Ҳайй, Олим, Қодир, Самий, Басир, Мурид, Мутакаллим.) Калом илми билан исбот этади. Оллоҳу таъоло каломининг азали тўғрисида эса, “Оллоҳу таъоло калом билан сўзлашувчи зотдир”, деб уқтиради. “Каломнинг моҳияти Зоти орқали ҳарфлар ва товушлар билан ифода этилган маънодан иборатдир”, деб билдиради. Ирода масаласида, бир нарсанинг инсон орзуси билан бўлиши ёки бўлмағлиги мунозарасига кўра, бу Оллоҳнинг сифатига боғлиқ бўлган ҳақиқат билдирилади. Ажал (ўлим) Оллоҳдин Ҳар ким ўз аҳали билан ўлди. Аммо

қандай ўлиши унинг ажалидир. Яралмишнинг ҳар бир феъли ва ҳоллари Оллоҳнинг қазо (бир воқеанинг рўй бериши) ва қадари (тақдири) билан вужудга келади каби дунёвий ва ҳаётгий масалалар Калом илмида исбот этилади. Ўлгандин кейин тирилмоқни ҳам Калом илмида тасдиқ этади. Ушбу сабабларга кўра Имон дил билан иқрор, тил билан иқрор, қалб билан тасдиқлиги кўрсатилган. Иқрорни дунё ишларига зарур деб кўрсатади. Ризқ – емак ва ичмакдир. Аммо қайсини танлашига боғлиқлиги, инсоннинг эрки диндир деб билдиради. Мотуридий инсонни, Ҳурриятни қадрлайди, Қомил инсонни ақли такомилликда деб билади. Шу боис юқоридаги масалаларда баҳс юритиб, далил ва исбот билан таҳқиқ ҳукмини чиқаради.

Мотуридий таълимоти бутун ислом оламида тан олингандин сўнгра, бу таълимот имоннинг ақидасига айланиб шуҳрат қозонган. Шу сабабли “Мотуридия ақойиди” деб ном олгандир. Мотуридий таълимоти ўзига хос мактаб сифатида ўзи яшаган замондин бошлаб, ҳозирги кунимизда ҳам буюк бир эътиқодга айланган. Унинг таълимотини ўз давридан бошлаб, Мотуридий асос солган таълимот мактаби вакиллари, уламолари давом эттирди. Бу мактаб аслида “Тафаккур” мактаби эди. Унинг буюк вакиллари Абул Қосим Самарқандий, Алоуддин Самарқандий, Нуруддин Аҳмад ас-Собуний ал-Бухорий каби алломалар Мотуридий таълимотида буюк асарлар яратди ва унинг таълимотини давом эттирди. Абу Мансур Мотуридийнинг Калом илмидаги ғалабасидан сўнгра Ислам оламининг буюк уламолари Қуръон тафсириларини янада кенг ёритишга муяссар бўлди. Жумладан: Ҳужжатул ислом Имом Ғаззолийнинг (1058–1111) 40 жилд тафсири, Фахрудин Розийнинг (1149–1209) 37 жилд тафсири мисолимиздир. Абдулқодир Жилоний (1077–1165) эса “Сиррул-асрор” китобини ёзишга муваффақ бўлади.

Абу Мансур Мотуридий яратган Калом илми таъсири ўз замонасида жаҳон тафаккур оламида, инсоният маънавият дунёсида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Замонаси олимларининг тафаккур оламини, маънавий дунёсини юксак даражада бойитди ва бугунги кунимизгача ўз қадрини сақлаб қолмоқда.

Мотуридийнинг илоҳий илмлар тўғрисида ёзган асарлари мунозарасиз ҳақиқатга айланиб, ўша даврдаёқ илмий голибликни қўлга киритади. Шу боис Мотуридий ёзиб қолдирган илмий асарлар Сунна аҳлининг ҳақиқий ва ҳаққоний эътиқодига айланганидан ушбу таълими эътиқоди “Мотуридия” деб шуҳрат қозонади.

Бу тўғрида Абу Тоҳирхожа “Самария” асарида: “Ножия (*нажотчилар-Ҳ.И.*) фирқасиким, уларни суннат ва жамоат аҳли дерлар. Эътиқод масалаларида икига бўлинадилар. Шайх Абу Ҳасан Ашъарийга қарайдиганлар “Ашоира” ва ҳазрати Абу Мансур Мотуридийга қарашлиларни “Мотуридия” деб атайдилар. Рум, Бухоро, Балх, Хоразм, Самарқанд, Фарғона ва Ҳиндистондек катта мусулмон ўлкаларининг барча халқи ва Туркистон ҳамда Қошғар каби мамлакатларда яшовчи эллар ҳаммаси Мотуридия эътиқодидадир”¹, деб ёзса, тарихчи Комилхон Каттаев: “Имом Аъзамнинг мазҳабида кирувчи суннийларнинг барчаси “Мотуридия” равиясига тобеъдурлар. Бу равия Кичик Осиё, Яқин Шарқ, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон (Фарбий Хитой) каби юртларда устувор ва кенг тарқалган. Бундан ташқари, Шимолий Африканинг Тунис, ал-Жазоир мамлакатларида тарқалган бўлиб, таркибан дунёдаги Сунний мусулмонларнинг учдан икки ҳиссасини ташкил этади”. (К.Каттаев. “Самарқанднинг буюк алломалари”. Самарқанд. “Зарафшон”. 1998, 68-бет), деб ёзади.

Абу Мансур Мотуридий илмий фаолияти оламшумул аҳамиятга эга эканлиги сабабли унинг “киши ақли ва фикри” етмас асарларига кенг ва нозик тадқиқот талаб этилади. Бу унинг асарлари устида жаҳон миқёсида синчковлик ила текшириш, изланишларни олиб боришни тақозо қилади. Шу боис, ҳозирча Мотуридий фаолияти мажмуаси хусусида хулоса чиқаришдан олдин, унинг асарларини кенг кўламда ўрганиш вазифаси туради. Ушбу масалада камина ўз қарашларини ўртага қўяди:

1. Жаҳон қўлёзма хазиналаридан Мотуридий асарларини тўплаш.
2. Унинг асарларига бағишлаб ёзилган бошқа манбаларни аниқлаш.
3. Мотуридий асарлари ёзилган саналарни ўрганиш.
4. Бу борадаги тадқиқотларни марказлаштириш.

¹ Абу Тоҳирхожа. “Самария”. Тошкент. “Камалак”, 1991. 38-бет.

Мотуридий илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш.

5. Унинг асарларини ўз тилимизга ўгириш.

Ўйлаймизки, бу тадбирлар “Султон ул-Муъиззуддин” шухратига эга ватандошимиз, тенги йўқ буюк уламнинг кўп қиррали фаолиятига тўлиқ ойдинлик киритиб, мазкур масалада фаннинг асосий мезони бўлмиш илмийлик даражасига эришилишига имкон беради. Бунинг учун Республикамизда илмий кучлар етарли. Гап уларга шароит яратиб, бу хайрли ишга сафарбар қилишда. Муҳими шундаки, Мотуридий жаҳон фанида Калом илмининг асосини белгилаб беради, илмнинг машҳур “Ғолиби” Абу Мансур Мотуридий тадқиқотига мансуб буюк асарлари араб тилида ёзилгандир. Шу билан энг мураккаб масалалар билан боғлиқ бўлган, ул зотнинг ҳужжатлик ва дилиллик оламшумул тадқиқотлари мажмуасидан иборат мероси туради. Ўз навбатида бу таълимот “Мотуридия” деб аталади. Ислом оламидаги мусулмонларнинг асосий қисми Имом Аъзам мазҳабиغا кирази ва Мотуридий таълимоти ақойидига асосан эътиқод қилади. Мотуридий мероси бизнинг маънавиятимизнинг туб асосини ташкил этади. Зеро, Мотуридий ақидалари дунё мамлакатларининг барча ерига тарқалган эдилар. Эътиқодда эса Мотуридий таълимоти, амалда эса Имом Аъзам Абу Ҳанифа мазҳаби асос қилинган. Ислом оламида Жаноби Расулulloх (С.А.В) йўлини ҳуқуқий ва қонуний тартибда Имом Аъзам давом этади. Бу тўғрида Алишер Навоий “Насойим”да бебаҳо ҳужжатли матнларни ёзиб қолдирган. Масалан: “Бидоятул авлиё, ниҳоятул анбиё фи аш-Шариат”¹ (Шариатда авлиёликнинг бошланиши, анбиёнинг тугатилиши).

АЛИШЕР НАВОИЙ ИМОМ АЪЗАМ ТЎҒРИСИДА

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарининг 10-авлиё тартибида ёзади: “Имом Аъзам қаддаса Оллоҳу таоло сирраҳу. Аларки ислом аҳлининг имомидурлар. Эл таърифидин мустағнидурлар (эҳтиёжсиз). Анас Молик разиоллоҳу анҳу ривоят қилурким, расул саллаллоҳу алайҳи васаллам дедиким: “Фи уммати ружулун йўқолу лаҳу Нуъмон бинни Собит ва кунятуҳу Абу Ҳанифа ва ҳува сирожун уммати”¹. (Таржимаси: Менинг умматим ичида бир эр борки, уни Собит Нуъмон ўғли дерлар. Унинг куняси Абу Ҳанифадир. Ва у менинг умматимнинг чироғидур.)

Матн давоми: “Имом Жаъфар Содиқ била суҳбат тутубтур ва кўп машойихни кўрубтур. Ва фузайл Иёз ва Иброҳим Адҳам ва Башар Ҳофий ва Довуд Тойи раҳмаҳумоллоҳунинг устодидур. Нақлдурки, Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муттаҳҳар равзаси бошиға бориб айтдики: Ассалому алайка ё Саййидул мурсалин. Равзадин жавоб келдики: Ва алайка-с-салом ё имомул-муслимин”².

Алишер Навоий ёзишича, умматнинг чироғи бўлган Имом Аъзам, юқорида муборак исмлари кўрсатилган биринчи даражалик машҳур авлиёларнинг устоди эди. Шу била жаноби Расул (С.А.В.) айтган башорат хитобидан, Имом Аъзамнинг мусулмонлар нурли йўлбошчиси даражасига мушарраф бўлганини биламиз.

Алишер Навоий матнида Имом Аъзамга узвий боғлиқ яна бир воқеа келтирилган. “Бир кеча воқеъада кўрдиким, Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак сўнгалларин лаҳадда йиғиб, баъзини баъзидин айрадур.

¹ “Насойим”. 74⁶ варақ.

¹ “Насойим”. 6^a варақ.

² Ўша асар.

Бу воқеъанинг ҳайбатидин уйғанди ва ибн Сириннинг асҳобидин бирига айтти. Ул мундоқ таъбир қилдиким, Сен расул саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг илми ва суннати ҳифзида (қўриқлашда) бийик даражага етгайсен, андоққи аҳодисда (ҳадисларда) мутасарриф (эгаллик қилувчи) бўлгайсен ва саҳиҳни (тўғрини) сақимдин (сохтадин) айрғайсен”. (Ўша арақ.) Бу пайғамбаримизнинг Имом Аъзамга билдирган энг умидлик ва ишончлик башорати эди. Матн давом этади:

“Ёно бир қатла расул саллаллоҳу алайҳи ва салламни воқеъада кўрдик, ул ҳазрат анга дедиким, ё Або Ҳанифа! Сени менинг суннатларимни тиргузмак учун зоҳир қилибтурлар, узлат (чекиниш) қасди қилма” (ўша арақ). Бу эса пайғамбаримизнинг Абу Ҳанифага айтган ҳукми эди. Матн давомида яна бир лавҳа келтирилган: “Нақлдорки, Яхё Муоз Розий қуддиса сирруҳу, Расул саллаллоҳу алайҳи ва салламни воқеъада кўруб сўрдиким, ё Расулulloҳ! Сени қайда тилайин? Жавоб буйурдиким, Абу Ҳанифанинг илмий яқинида!” (Ўша арақ.)

Демакки, Абу Ҳанифа (699-767м.) ўз илми билан жаноби Расул (С.А.В.)дан кейинги, ул зотнинг илми ва суннатларини амалга оширувчи ҳамда давом эттирувчи йўлбошчи – Имом эди. Ушбу Имом мартабасига қўшилган яна бир “улуғ” сифати ила Имом Аъзам Абу Ҳанифага мушарраф бўлиш билан Ислому оламида Ислому аҳлининг, Ислому илмининг улуғ йўлбошчисига айланиб бўлган эди. Агар Исломининг суннийга хос йўналишида унинг тўрт имоми тўғрисидаги манбага келсак, Абу Ҳанифадин бошқа бирорта Имомга, Расул (С.А.В.)нинг бешта башорати (хушхабари) айтилмаганини кўрамиз. Демакки, Имом Аъзам ана шу сунна (илмда аҳли сунна деб атайдик), йўналишининг Имоми Аъзами эрдик. (Қаранг: Васлий Самарқандий. Имом Аъзам тарихи. Т., Ёзувчи нашриёти, 1995 й.)

Энди Суннийлик тўғрисидаги илмий асарларга келсак, бу тўғрида қуйидагича ёзади:

“Суннийлик (сунна сўзидан) – ислому динидаги икки асосий йўналишдан бири ва энг кенг тарқалгани. Мутахассислар ҳисоблари бўйича, жаҳондаги барча мусулмонларнинг қарийб 90 фоизи С.ка (қолган 10 фоизи – шиаликка) мансуб. С. тарафдорлари асосан Осиё ва Африкада (Покистон, Бангладеш, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Хитой, Шарқий Туркистон, Афғонистон, Туркия, Арабистон ярим ороли ва Форс кўрфази атрофидаги араб мамлакатларида, Сурия,

Ливан, Иордания, Эрон, Шимоли-Шарқий ва Фарбий Африка мамлакатларида), шунингдек (Озарбайжон ва Тожикистоннинг тоғлик районларидан ташқари), Болгария, Югославия, Албания, Кипр ва АҚШда яшайдилар”¹.

Алишер Навоий ёзиб қолдирган Имом Аъзам Абу Ҳанифа, Шайх Абу Мансур Мотуридийга оид махсус ёзилган манбалар Мавлавий Абдурахмон Жомийнинг 618 авлиёлар тўғрисида ёзган “Нафаҳот ул-унс” асарида ва Шайх Фаридууддин Атторнинг 100 га яқин авлиёлар тўғрисида ёзган “Тазкират ул-авлиё” асаридан ўрин олмагандир.

Агар бизга Абу Ҳанифа ким эди, деган савол билан мурожаат қилинса, бизнинг жавобимизни Алишер Навоийдан топсин!

Абу Ҳанифа Шарият асосидаги фикҳ илмининг асосчиси эди. Ул зот ҳуқуқ ва қонуннинг илмий таҳлили асосида фикҳ илмига асос солди. Зеро, шариат ҳуқуқларини қоидага солган ва уни қиёсий тадқиқ этган илоҳиётчи эди. Имом Аъзам ўз даврида ёзган “Абвоби фикҳ” асарига асосни тўнғич Турк машойихи Абдуллоҳ Муборак (118/736, 181/797) 20 минг ҳадисни ўз ичига олган асарларини ана шу Абу Ҳанифанинг “Абвоби фикҳ”ига кўра тартиб берган экан².

Ўз-ўзидан билиниб турибдики, фикҳ илмига асосни Абу Ҳанифа, калом илмига галабаи асосни Абу Мансур тузган эканки, Ислому илмий дунёси, бутун дунё инсоният аҳли бизнинг буюк бу икки зоти муборакларга таҳсин қилишдан ўзга чораси йўқ. Ҳар икки уламоий авлиёнинг насл-насаби эса улуғ Турон тупроғидандурлар.

Абу Ҳанифанинг келиб чиқиш насабида баҳслик маълумотлар мавжуд. Гап бизнинг бу манбаларни ўрганмаганимизда. Аммо Алоуддин Мансурнинг ёзишича, Имом Аъзамнинг бобоси Кобул шаҳрида туғилган. Ислому фатҳида ул зот тақдир иродаси ила Ироқнинг Куфа шаҳрига асирликда келиб қолган³.

Госем Мамед ўғли Керимов Абу Ҳанифанинг келиб чиқишини туркийлардан деб ёзади⁴.

¹ Ислому. Справочник. ЎзСЭ. 1989. 246-бет.

² “Илоҳий ҳадислар”. Тошкент. “Чўлпон”. 1994. 68-бет.

³ “Имом Аъзам – буюк имомимиз”. Тошкент. Ф. Фулом. 1994. 68-бет.

⁴ Г. М. Керимов. “Шариати его социальная сущность”. “Москва. “Наука”. 1978. стр. 15.

НУРУДДИН АС-СОБУНИЙ АЛ-БУХОРИЙ МОТУРИДИЙ АҚИДАСИ ТЎҒРИСИДА

Ханафиййа ва Мотуридиййа мактаби олимларининг давомчиси бўлмиш Нуруддин Аҳмад ас-Собуний Ал-Бухорий ёзган “Ал-бидоят фи-усулуддин” (Дин асосларининг ибтидоси) араб тилидаги асари фанда маълум. Ушбу асарни туркиялик олим Бакр Тупол ўғли турк тилига ағдаради. Бу асарни “Мотуридия ақойиди” деган номда нашр этади.

1998 йилда 6-нашри чоп этилади. Нашрга асарнинг асли — араб хатидаги матни ҳам тўла берилган. Унинг кўрсатишича, ас-Собуний асли Бухородан бўлиб, шу ерга дафн этилган. Вафоти 580 ҳижрий йили (1184 м.) кўрсатилган¹. Абулкарим ас-Самъонийнинг “Ал-Ансоб” (“Насабнома”) асарида ҳам вафоти 580 ҳижрий йил деб кўрсатилган. (“Насабнома”. Бухоро. 1999. 39-бет.) Аллома отининг тўла аталиши: Имом Аҳмад бин Маҳмуд Аби Бакр ас-Собуний ал-Бухорийдир. Нуруддин (диннинг нури) эса буюк алломанинг сифатидир. Аммо асарнинг ёзилган йили кўрсатилмаган. Асар 32 кичик мавзунга ўз таркибига олади.

Мотуридия ақойиди деганига сабаб улдурки, Имом Нуруддин ас-Собуний ал-Бухорий Мотуридий асарларида илгари сурилган таълимотга асосан ёзгани кўринади. Биз уч қисми билан чекланамиз. Асарнинг биринчи қисми мавзуси “Оламнинг яратилиши” деб аталади. Олим бу мавзунга “Оламнинг яратувчиси Оллоҳдир. Олам дегани Оллоҳдин ўзга бор бўлган нарсалар отидир. Олам эса, Яратувчиси борлигини кўрсатадиган белгидир” ҳукмида кўрсатиб, “Вожиб ул-вужуд” — яратувчидир (Жалла жалолаҳу)”, деб белгилаб беради.

“Қадим вужуднинг ибтидоси бўлмаган нарсадир. Ҳодис эса, олдин бўлмаган, сўнгра бор бўлган нарсадир”, деб ёзади. Иккинчи қисмида Тавҳид — Яратувчининг якка-ягоналиги тўғрисидаги далили келтирилган. Фанда энг муҳим бўлган ушбу Тавҳид қисми Калом илмига асосан исбот этилади. Бу қисм биз учун аҳамиятлидир: “Инналлоҳу таъоло воҳидун ла шарика лаҳу”. Яъни: (Оллоҳу таоло ягонадир ва унинг шериги йўқдир). Ушбу масалада санавиййя, маъжусийлар (оташпарастрлар), насоралар (христианлар), табиатчилар, афлокиялар (Коинотчилар) ихтилоф қиладилар”, деб ёзган олим, санавиййя ва маъжусийларнинг Яратувчини икки деб билгани — эзгулик худоси ва ёвузлик худосига ажратишини, баъзилари нур ва зулмат — яъни яхшилик ва ёмонлик худосига ажратишини эслатиб ўтади. Насоралар эса Яратувчини: Зот, Илм ва Ҳаётга бўлганини кўрсатади. Яна христианлар эса Ота — худо, ўғил — худо, — бу Исо ва хотин — Худо — Биби Марямни тасаввур қиладилар, деб ёзади. Табиатчиларнинг эса тўртта бўлгани: ҳарорат, совуқлик, рутубат (намгарчилик) ва қурғоқчилик деб айтишини келтиради. Афлокиянинг еттига бўлишини: Зухра (Сатурн), Муштарий (Юпитер), Миррих (Марс), Зухра (Венера), Уторид (Меркурий), қуёш ва ой сайёраларини эслатади. Ушбу фирқаларнинг барчаси шону шарафи юксак бўлган Оллоҳни инкор этишдир, деб ёзади. Бу инкорий қарашлар билан баҳс юритиб, Калом билан жавоб берадики: Оллоҳ шундоқ бир борлиқки, у мутлақ якка-ягона, яъни “Оллоҳдин ўзга илоҳ йўқдир. У ягона Ҳоким ва голиб бўлгучининг ўзи фақат Оллоҳдир”, деган ҳукмини чиқаради.

Оллоҳнинг сифатлари қисмида эса: “Сунна аҳли шундай дейди: Оллоҳу Таоло камол сифатлари билан васф этилган. У азалий, абадий ва қадимдир ва ўз зоти билан мавжуддир. Бу сифатлар ҳеч бир ваҳж била яратилмишларникига ўхшамайди. Булар: Ҳайй, Олим, Қодир, Самий, Басир, Мурид, Мутакаллим (доим ҳаёт, билувчи, қудрат эгаси, эшитувчи, кўрувчи, тилавчи, сўзлавчи). Унинг камол сифатлари булар билан тугамайди. Оллоҳу Таъоло ҳаёт, илм, қудрат, ирода, самий (эшитиш), басир (кўриш) ва камол сифатларига ҳам

¹ “Ақойиди Мотуридия”. Анқара. 1998. 10-бет.

эгадир”, деб ёзади. Шу билан муътазилачилар, ашъарийлар (Калом илмий оқими)нинг хато фикрларини фош этади. Ниҳоят Оллоҳнинг абадий ҳаёт билан бўлганини Қуръон калимасида исботи келтирилади: “Хувал ҳаййу ла илаҳа илло ҳувва” (У тирик зотдир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар унинг ўзигина бор); “Ва хувал алимул ҳакиму” (У ҳаммани билувчи, ҳикмат эгасидир); “Ва ҳува самиъул басир...” (У ҳаммани тинглавчи ва кўргучидир); “Ва ҳува ала кулли шайъин қадирун” (У ҳар нарсага қодирдир); “Хуваллоҳу ал-холиқул бориюл мусаввиру” (Оллоҳ яратувчидир, йўқни бор этувчидир. Барча нарсага суврат, шакл берувчидир) каби Калом илмий моҳиятини кўрсатиб беради.

Демакки, ушбу таълимотларнинг илмий замирида, ҳукми ҳулосасида Абу Мансур Мотуридийнинг Калом илмидаги ғалабаси турар эди. Нуруддин Аҳмад ас-Собуний ал-Бухорий ёзган “Дин асосларининг ибтидоси” асари, Мотуридий асос солган илмлар мажмуаси дастури сифатида бутун дунёга тарқади.

Имом Нуруддин Аҳмад ас-Собуний ал-Бухорийнинг илмий фаолияти бениҳоя буюқдир. Имом Абу Мансур Мотуридий таълимотини фан асосида авлод учун мерос қилиши ҳаммага насиб бўлмайди. Бу машҳур асарни “Илмий қомус кашфи” десак хато бўлмас.

ХУЛОСА

Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” тазкираси тарихий ҳужжатдир. Асар УII асрдан бошлаб то Навоий ўзи яшаган давргача яшаб ижод этган ва фаолият кўрсатган авлиёлар мажмуасидир. Шулар боис асарнинг аҳамияти биз учун бебаҳодир. Алишер Навоийнинг Мотуридий тўғрисидаги васфи ва Абу Ҳанифа тўғрисидаги келтирган ибратли далиллари биз учун тарихий меросдир.

Шайх ва Имом Абу Мансур Мотуридий асос солган Калом илми Исломи илмининг ақидасига айланди, инсоният тафаккур оламининг маънавий бойлиги негизини белгилаб берди. Мотуридий илмий дунёқараши жаҳон тафаккур оламида туб ўзгаришларга олиб келди. Оллоҳ тўғрисидаги неча минг йиллик баҳсли, ҳар хил тушунчаларга ул зоти муборақ ёзган “Тавҳид” асари яқун ясади. Натижа шу бўлдики, Исломи илми оламида, Ҳанафийа амали, Мотуридия эътиқоди асос қилинди. Мотуридий ёзиб қолдирган илмий асарлар мажмуаси жаҳон халқлари мероси булиб қолди. Бу мерос Оллоҳ, олам ва мавжудотлар тўғрисидаги ҳамда инсон тафаккур олами тўғрисидаги буюқ кашфиётга айланди.

Имом Абзам Абу Ҳанифа шариятни Қуръон асосида фикр илми билан белгилаб, уни расмий тизимда, инсоннинг ҳуқуқи ва ошкора амалини белгилаб берди. Мотуридий эса Исломининг Калом илми билан бир эътиқодда бўлишини белгилаб берди. Бу билан фикр илмида Имом Абзам, Калом илмида Абу Мансур Мотуридий буюқ кашфиётларни амалга оширдилар. Ҳар икки авлиё уламомимизнинг илмий асарлари натижасида ва уларнинг таъсирида инсоният оламида тубдан ўзгаришлар майдонга келди, эътиқодни илмий

асосда фан даражасига кўтарди. Демакки, жаҳон фанида янги қонун, янги таълимот яратилди.

Бизнинг буюк аждодларимиз асос солган дунёвий илмлар, таълимотлар, кашфиётлар билан қутлуғ Ватанимизнинг шону шуҳратини жаҳонга танитди.

Улар бизнинг, келажак авлоднинг ифтихори, шарафли устодларидир. Авлодлар буларни ҳеч қачон унутмайдилар.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Абу Мансур Мотуридий ас-Самарқандий.....	6
Абу Мансур Мотуридий Навоий васфида.....	7
Алишер Навоий Имом Аъзам тўғрисида.....	21
Нуруддин ас-Собуний ал-Бухорий Мотуридий ақидаси тўғрисида.....	24
Хулоса.....	27

Адабий-бадиий нашр

Ҳамидхон Исломий

**СУЛТОН УЛ-МУЪИЗЗУДДИН АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ
АС-САМАРҚАНДИЙ**

Муҳаррир *Ж. Субҳон*
Мусаввир *Р. Зуфаров*
Бадиий муҳаррир *М. Карпузас*
Техник муҳаррир *Т. Смирнова*
Кичик муҳаррир *Н. Фозилова*
Мусахҳиҳ *М. Насриддинова*
Компьютерда саҳифаловчи *С. Раҳмедова*

ИБ№ 3914

Босишга 12.10.2000 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108^{1/32}.
Таймс гарнитура. Офсет босма. 1,68 шартли босма тобоқ. . 1,4
нашр босма тобоғи. Жами 1500 нусха.²³...рақамли
буюртма. 131-2000 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома
асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129,
Тошкент, Навоий кучаси, 30

МЧЖ. “Арна Принт”. Тошкент шаҳри. Ҳ. Бойқаро, 51.

Исломий, Ҳамидхон.

Султон ул-Муъиззуддин абу Мансур Мотуридий ас-Самарқандий. –Т., Ф. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000.– 32 б.

Калом илмининг ғолиби – Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги муносабати билан чоп этилган ушбу рисола улў даҳо тўғрисида буюк мутафаккир Алишер Навоий ёзиб қолдирган манба асосида битилгандир.

Муаллиф асосий диққатни Шайх Абу Мансур Мотуридийнинг авлиёлик мартабасига ва шу юксак мавқе туфайли ёрқин намоён бўлган буюк алтомалик салоҳиятига қаратади ҳамда мазкур илоҳий фазилатларнинг умумий инсоний самараларидан бири бўлмиш унинг “Тавҳид” асари ҳақида фикр юритади.

Рисолада Мотуридий мероси устида сўз борар экан, унинг ақойиди ҳамда “Мотуридийя” мактаби давомчиларидан Нуруддин ас-Собуний ал-Бухорийнинг Калом илми давомчиси эканида ҳам тўхталинади ҳамда фикр илми асосчиларидан бири Абу Ҳанифа тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Асар тасаввуф тарихи, фалсафа ва манбашуносликка қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

ББК 86.38